



Ушбу сураи кариманинг номи ўзининг биринчи оятидаги «ал-Кавсар» сўзидан олингандир. «Кавсар» сўзи лугатда кўп яхшилик, жуда хам кўп яхшилик маъносини англатади. Арабларда сон жихатидан, кадр-киймат жихатидан ва ахамияти жихатидан кўп бўлган нарсага кавсар, дерлар. Ушбу сураи кариманинг номи ўзининг биринчи оятидаги «ал-Кавсар» сўзидан олингандир. «Кавсар» сўзи лугатда кўп яхшилик, жуда хам кўп яхшилик маъносини англатади. Арабларда сон жихатидан, кадр-киймат жихатидан ва ахамияти жихатидан кўп бўлган нарсага кавсар, дерлар. Ушбу сурадаги Кавсардан мурод Аллох субханаху ва таоло томонидан Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васалламга икки дунёда берилган кўп яхшиликлардир. Машхур муфассирлардан Абу Хайённинг айтишларича Кавсардан кўзланган мурод хақида йигирма олти хил нарса зикр қилинган экан.

Имом Термизий ривоят қилган хадисда қуйидагилар зикр қилинади.: «Кавсар жаннатдаги дарё бўлиб, унинг икки қирғоғи олтиндан, ўзани дуру ёқутдан, тупроғи мискдан хушбўй, суви асалдан ширин, қордан оқдир. Ким ундан бир ичса, кейин абадий чанкамайди».

Имом Муслим ва Имом Термизийлар Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят килган хадисда эса тубандагилар айтилади: «Бир куни Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам ичимизда турган эдилар, бир оз жим туриб колдилар-да, сўнг табассум-ла бошларини кўтардилар. Биз:

«Сизни нима кулдирди, эй Аллохнинг Расули?» дедик.

«Менга хозиргина бир сура туширилди», деб, «Бисмиллахи рохмани рохийи. Иннаа аътойнака ал-Кавсар» сурасини кироат килдилар. Сўнгра:

«Кавсар нималигини биласизларми?» дедилар.

«Аллох ва Унинг Расули билувчидирлар», дедик.

«У Роббим азза ва жалла менга ваъда килган нахрдир. Унда кўп яхшилик бордир. У киёмат куни умматим келиб хузуримда сув ичадиган ховуздир. Унинг идишлари юлдузлар ададича. Улар ичидан бир бандани сугириб олинади. Мен, у менинг умматимдан! дейман. Шунда, бу сендан кейин нима килганини билмайсан, дейилади».

Ибн Аббос розияллоху анху: «Кавсар-кўп яхшилик» деган. Шу маънода Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам бу дунёда берилган: нубувват, Куръон, илм, умматнинг кўплиги, душманларга голиблик, фатхларнинг кўплиги ва у дунёда берилган: шафоат, хавз, макоми махмуд кабилар хаммаси кавсардан хисобланади, деганлар.

Бу сура Пайгамбар соллаллоху алайхи васалламнинг ўзларига хос. У зотга яхши ваъдалар беради. Шунингдек, душманларнинг номини ўчиришга ваъда беради ва у зоти бобарокатни шукрга йўллайди.

Маълумки, Мухаммад соллаллоху алайхи васалламнинг ўгил фарзандлари турмаган, вафот этган. Кофирлар, душманлар шундан хам дарров гап таркатганлар, чунки

муслмонларнинг рахбарига тухмат килиб, обрўсини тўкиш билан Ислоннинг обрўсини тўкишга харакат килиш дин душманларининг кадимдан ишлатиб келаётган услуби. Улар Мухаммаднинг орти кесик, ишни давом этдирадиган ўгил фарзанди йўк, вафотидан сўнг хамманинг ёдидан чикади, дейишган.

Аллох таоло Ўз хабибига тасалли бериб, душманларга раддия килиб, дин фарзанддан афзал эканини баён килади.

### **Бисмиллахир рохманир рохийм**

#### **1. Албатта, Биз сенга Кавсарни бердик.**

Кавсарни тафсирчиларимиз—«кўп яхшилик» деб айтишлари, бу эса—Пайгамбарлик, Куръон, хикмат, умматнинг кўплиги, шафоат ва Пайгамбаримизга берилган бошка сон-саноксиз яхшиликлардан иборатлиги ва бошкалар тўгрисида юкорида гапирилди.

#### **2. Бас, Роббингга намоз ўки ва жонлик сўй.**

Кавсарни берган Аллохга хар канча шукр килса шунча оз, холис Ўзи учун ибодат килиб, намоз ўкиш, факат Худонинг йўлида жонлик сўйиб, бева-бечораларни тўйгазиш шукрнинг бир кўринишидир.

#### **3. Албатта, сени ёмон кўриб, айбловчининг ўзининг оркаси кесик.**

Аллох таоло ваъдасига вафо килувчидир. Дархакикат, душман, кофирларнинг орти кесилди. Ному нишонлари йўк бўлди, йўк бўлмокда ва йўк бўлади хам. Ислон

душманларининг номлари тилга олинса ҳам, лаънат билан олинади.

Мухаммад соллаллоху алайхи васалламнинг эса ортлари кесилгани йўқ, ишлари давом этмокда ва киёматгача давом этади. Хозир ер юзининг барча бурчакларида миллиарддан ортик инсон у кишининг умматиман, деб юрибди. У кишини бола-чакасидан, ота-онасидан, кариндош-уругидан ва хатто ўзидан ҳам афзал кўради.

*“Тафсири хилол” дан*